



MILLIY TIKLANISH

18 (339)

2015 йил 6 май, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz

Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Худудий ташкилотларда партиянинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган иш дастури қизгин муҳокама этилди

Партия акцияси ёшларни аждодларимиз хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир

Ташаббус-масалалар киритишда депутатлар ва кўйи бўғин ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга

Фракция ҳаёти

Демократик ислохотлар изчиллиги

янги қонун лойиҳасида акс этаётир



Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида амалга ошириладиган кенг қамровли лойиҳалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштириш жараёни янги, янада юксак поғонага кўтармоқда.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг ҳаёти-миздан янада чуқур жой олишини таъминлаш, парламентнинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги роли, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтиришга хизмат қилаётир.

> 4-бет.

Партия ва электорат

Тарихни англаш — ўзликка йўл

Миллий ўзликни англаш — халқ онг-тафаккури, дунёқараши юксалишининг муҳим мезони, мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи омилдир. Ўзликни англаш тарихни ўрганишдан бошланади. Унинг миллий давлатчилиги, маданияти ва маънавияти тараққиётининг тарихий тажрибасини чуқур билган, пухта англаган халқ миллий тикланишга қодир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

"Миллий тикланиш" газетасининг 2015 йил 29 апрель сонидида "Партия ва таълим муассасаси бирдай манфаатдор" мақоласида хорижий электоратимиз вакилининг фикр-мулоҳазалари эътиборга молик. Меҳнат фахрийсининг ёш авлод таълим-тарбияси учун долзарб аҳамиятга эга бўлган масалани матбуот даражасида кўтариб чиққани партия-мизнинг бу борада амалга ошираётган сайёҳаракатлари бесамар кетмаётганининг ёрқин далилидир.

Мавриди келганда айтиш жоиз, ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг мамлакат бўйлаб ўтказётган "Юртим тарихини ўрганамак" шиори остидаги "Тарихдан садо берувчи обод гушалар" акцияси ҳам навқирон авлод вакиллари юртимизнинг қадимий тарихи борасидаги билим ва тасавурларини янада бойитишга хизмат қилмоқда. Ушбу акция Хоразм вилоятининг барча туман ва шаҳарларида юқори

9 май — Хотира ва қадрлаш куни



Хотира — абадий, аждодлар ёди — муқаддас

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий ва Тошкент шаҳар кенгашлари, Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи ҳамда "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди ҳамкорлигида "Хотира — абадий, аждодлар ёди — муқаддас" мавзусида тадбир ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

> 2-бет.

Мансабдор шахс — ҳисобдор

Ўн саккиз ёшгача бўлган давр инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Бу пайтда шахснинг онги, ахлоқи, маънавий қиёфаси шаклланади. Шу боис мамлакатимизда вояга етмаганлар манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилмоқда.

Депутат ўз ваколатидан муносиб фойдалана олса

масалалар ечим топади, ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланади

Таъкидлаш жоиз, ҳудудларда вояга етмаганлар билан ишлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ўқувчилар даволатини назорат қилиш, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари, маҳаллаларда ёш авлодни ҳаётга тўғри йўналтиришда партия гуруҳларининг ҳам муносиб иштироки кузатилаётир. Яқинда ЎзМТДП Ангрен шаҳар кенгаши ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи ташаббускорлигида ўтказилган мансабдор шахс эшитиш бунга ёрқин мисол бўла олади. Унда шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъуллари ахбороти тингланиб, шаҳар ички ишлар бўлими вояга етмаганлар назорати бўйича профилактика инспекторлари олиб бораётган амалий ишлар таҳлил қилинди.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Фахрийлар эъзоз ва эҳтиромда



> 5-бет.


Ўзаллик, фаоллик ва билимдонлик байрами

"Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда

> 3-бет.

Осмон пардасидаги туйнуклар

Атмосферанинг озон қатлами курраи заминимизда ҳаёт мавжудлигининг энг муҳим шартларидан биридир



> 7-бет.

Лойдан яралаётган мўъжиза

Истиклол йилларида бебаҳо кадрларимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъати ҳар томонлама юксалишга юз тутди



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



«Milliy tiklanish» газетасини
www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

9 май — Хотира ва кадрлаш куни



Хотира — абадий, аждодлар ёди — муқаддас

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Президентимизнинг 2015 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медаллари билан мукофотлаш тўғрисида”ги ва шу йил 6 мартдаги “1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармонлари мамлакатимизда уруш ва меҳнат fronti фахрийларига кўрсатилаётган доимий эътиборнинг ёрқин намунаси. Мазкур ҳужжатлар ва “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида уруш ва меҳнат fronti фахрийларини тиббий-ижтимоий муҳофазалаш, саломатлигини тиклаш, фахрийларимизга бирламчи тиббий-профилактика ёрдами кўрсатиш сифатини янада оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтирмоқда. Бугун ўтганлар хотирланиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ёдга олинади, бугунги дорилонм кунларга етиб, қарилк гаштини сураётган қарияларимиз кўрадилади. Партиямиз ҳар йили мазкур байрамни алоҳида тайёр-гарлик билан нишонлайди, бу эзгу ишга ЎЗМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Келажак авлод онгу шуурида Ватанимиз тарихидан ғурурланиш, аждодларга муносиб ворис бўлиш, ота-бобларимиз аъёнларига содиқ қолиш туйғусини шакллантириш, ёшларни оғоҳликка, тинчлик ва истиқлолни кўз қорачиқдек асраб-авайлашга даъват этишда бу каби тадбирларнинг ўрни беқиёс.

— Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кекса авлод вакиллари ижтимоий муҳофиза қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратишмоқда, — деди тадбирда “Катагон қурбонлари хотираси” музейи директори, ЎЗМТДП Марказий кенгаши аъзоси Бахтиёр Ҳасанов. — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчи-

лаш йили деб ном берилганидан бошим кўкка етди. Йил бошидан буён хонадонимизда ҳар кун байрам. Давлатимизнинг меҳнат фахрийлари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига қаратаётган эътибори туйғайди, турли ташкилот вакиллари деярли ҳар кун ҳолимиздан хабар олиб туришибди. Бугун Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вакиллари хонадонимизга келиб, совға-саломлар тақдим этишгани биз учун Хотира ва кадрлаш кунига катта совға бўлди. Шундай юртда яшаб, қарилк гаштини сураётганимдан, давлатимизнинг эъзози ва эътиборида, дорилонм кунларда умргузаронлик қилаётганимдан беҳад мамнунман.

Худди шу мавзудаги тадбир ЎЗМТДП Марказий кенгаши ва Республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ҳам ўтказилди. Унда партия Марказий кенгаши аъзолари, партия фаоллари, Республика байналмилал маданият маркази ходимлари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси миллати, дини ва этники, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, Ўзбекистон халқи ва фуқароларининг бирдамлигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда миллатларaro жипсликни таъминлашни ўзининг дастурий мақсад ва вазифалари сирасига киритган. Мазкур тадбир партиянинг асосий ҳамкорларидан бири — Республика байналмилал маданият маркази билан биргаликда ташкил этилишида ҳам ўзига хос маъно-мазмун мужассам. Бу турли миллат ва элат вакиллари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш орқали партия хайрихоҳлари сафини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадбир доирасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Александр Батиковнинг “Рангларнинг мусиқий назми” расмлар кўргазмаси намойиш этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Ҳакимовнинг Ватан, тинчлик, дўстлик, она юрти соғинчи ва муҳаббат тараннуми эитилган қўшиқлари ижро этилди. Яқинда уруш ва меҳнат фахрийларига ЎЗМТДПнинг эсдалик совғалари топширилди.

Дилбар РАШИДОВА,
ЎЗМТДП Марказий кенгаши Ижроия кўмитаси девони бўлим бошлиғи:

— Хотира — инсонийлик тушунчаси билан боғлиқ олий қадрият. Кексаларни қадрлаш, ўтганларни ёд этиш каби қадрият ва аъёнлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Аждодларимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни ўлаиб келаятган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва халқ аъёнларига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш каби инсоний тушунчалар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган бўлиб, бугунги тадбирда иштирок этган турли миллат вакиллари шундай юртда, эъзоз ва эътиборда кексалар гаштини сураётганидан мамнун эканликларини изҳор этишди. Ёшларимиз эса ҳар қанча ҳавасга муносиб бахтиёр авлоддир. Бундай тадбирлар келажакимиз эгаларини Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни турли мафзурулий таҳдидлардан асрашга хизмат қилади.

Шоҳида ДАМАНОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

ЎЗМТДП дастури — амалда

Мусиқа санъати —

шахс маънавий камолотининг муҳим омили



Сардор МУЛЛАЖОНОВ оingan сурат

“Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта, бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди”, дейди Президентимиз “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида. Истиқлол йилларида мамлакатимизда навақирон авлод вакиллари мусиқа санъатига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди. ЎЗМТДП Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлиқда ўтказган “Шахснинг маънавий юксалишида мусиқанинг роли” мавзусидаги тадбирда шу хусусда сўз борди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон давлат консерваторияси кафедра мудири, санъатшунослик фанлари номзоди Соибжон Бегматов мамлакатимизда истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшлар камолоти, маънавиятини юксалтириш, ёшлар-

ни жаҳон мусиқа санъати намуналаридан баҳраманд қилиш, уларни ҳеч қандам кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш учун яратилган шароит навақирон авлод вакиллариининг турли халқро танловларда ўзбек миллий санъати довругини тараннум этишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ҳа, мусиқа — инсон маънавиятини юксалтиришда улкан таъсир кучига эга тарбия воситаси, инсон руҳиятига ҳаётбахш куч бера оладиган жон озигидир. Мусиқада миллат руҳи мужассам. Ана шу сеҳр кучи билан мусиқа турли эзу элатларни, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлайди. У инсонни гўзаллик, нафосат ва эзуликка ошно этади. Демак, мусиқа фақат эшитиш, ўйин-кулги ёки санъат тури бўлиб қолмай, балки инсон маънавияти ва маданиятини ривожлантиришининг муҳим бир қисми сифатида ҳам ўрганилиши лозим.

Бу эзгу мақсад ва вазифалар кўламини янада кенгайтиришга қўмаклашиш ЎЗМТДП сайловолди Платформасида алоҳида бел-

гиланган. Жумладан, партия болаларининг руҳий-маънавий дунёсини ва маданий савиясини ўстириб бориш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятини энг яхши асарлари билан ошно бўлиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда нафақат миллий, балки жаҳон мусиқа санъатининг қўллаб йўналишларини ҳам чуқур ўрганиш, ютуқларини ўзлаштиришга хизмат қилади. Бу санъаткор, айниқса, ёш хонанда ва созандаларимизнинг халқро нуфузли танлов ва фестивалларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишга қўмаклашади. Бугунги тадбир ана шу жиҳатлари билан ҳам партия дастурини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда Ўзбекистон халқ артистлари Муножот Йўлчиева, Замира Суёнова, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари ҳамда Мансур Воисов раҳбарлигидаги созандалар ансамблининг концерт дастури намойиш этилди. Ўзбек миллий мусиқа санъатининг сара намуналари иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

Гулшода БОЗОРОВА,
ЎЗМТДП Сергели туман кенгаши раиси ўринбосари:

— Мусиқа барча миллат ва элатларни бирлаштирадиган қудратли воситадир. У тил танламайди, ҳеч қандай таржимонсиз инсон қалбига кириб бориб, ҳар бир миллатнинг ўзига хос туйғуларини акс эттира олади. Шу боис фарзандларимизни миллий мусиқа санъатига меҳр руҳида тарбиялаш истиқлол йилларида ўзгача маъно-мазмун касб этди. Мамлакатимизда мусиқа санъатини ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилиши ёш авлоднинг юксак натижаларга эришишида қанот бахш этаётди. Партияимизнинг дастурий мақсад-вазифаларига қаратилган ҳамда уйғун бўлган бугунги тадбир кўзланган эзгу мақсадларимиз йўлида муҳим восита бўлиши шубҳасиз.

Шоҳида МИРЗАЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Худудий партия ташкилотларида

Айни кунларда ЎЗМТДП худудий ташкилотларининг мажлислари бўлиб ўтмоқда. Уларда ЎЗМТДП Марказий кенгашининг III Пленумида белгиланган ва давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма йиғилишидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар, барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг партия сайловолди Платформаси ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятини ривожлантириш, уларнинг электорат манфаатларини ҳимоя қилишдаги ташаббускорлигини янада кучайтириш, миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш ва барқарор миллий ривожланишнинг таъминлаш мақсадида ЎЗМТДПнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган иш дастури қизгин муҳокама қилинмоқда.

Тошкент вилоятида бўлиб ўтган мажлисда ҳам ана шу вазифаларга эътибор қаратилди. Мажлисда ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров маъруза қилди.

— Партиямиз Харақат дастурида Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини кўз қорачиқдек асрашни ўзининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган, — деди партия вилоят кенгаши раҳбари. — Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги нутқида белгиланган вазифалардан келиб чиқадиган ҳулосалар асосида партия ва депутатлик гуруҳи иш услуби ва дастурларини тубдан янгиллашмиш зарур. Бу ҳар биримиздан ишга янгича ёндашушни, фаолиятимизни замон талабларига мос ўзгартиришни талаб этади. Жумладан, маҳаллий кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган де-

путатлар ва партия ташкилотларининг ҳамкорлигини янада ривожлантиришимиз лозим. Бу партия дастурий мақсадлари рўйида ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳам партия худудий ташкилотлари олдида турган долзарб вазифа саналади. Зотан, қуйи бўғинлар электоратимиз билан ёнма-ён, ҳамнафас ташкилот хисобланади.

Мажлисда таъкидланганидек, қуйи бўғинларнинг, айниқса, партия ғояларини аҳолига тарғиб-ташвиқ қилишдаги ўрни беқиёс. Уларнинг сони қанча кўп бўлса, партия тарафдорлари сафи ҳам шунча кенгайди. Шунинг учун бошланғич партия ташкилотларини сонини кўпайтириш ҳар бир худудий партия ташкилотининг асосий вазифаларидан саналади. Бу борада Тошкент вилоят кенгаши муай-

Дастурий мақсад-вазифалар ижроси

электорат манфаатларига хизмат қилади

ян натижаларга эришди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 12 бошланғич партия ташкилоти тuzилиб, уларнинг сони 374 тага етди. Вилоят бўйича ЎЗМТДП аъзоларининг сони эса салкам 14 минг нафарни ташкил этмоқда. Партия тарафдорлари сафининг кенгайгани парламент ва маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловларда ҳам яққол сезилди. ЎЗМТДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 3, маҳаллий кенгашларга эса 82 нафар депутат сайланди. Бу партия сайловолди Дастурида белгиланган мақсад-вазифалар рўйидаги хизмат қилиши шубҳасиз.

Жаҳонгир БАҲОДИРОВ,
халқ депутатлари Янгийўл туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат:

— Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган нутқи халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари зиммасига ҳам қатор вазифаларни юкллади. Президентимизнинг тадбиркорлик субъектларига эркинлик бериш, уларнинг фаолиятини янада жонлантириш тўғрисидаги фикрлари, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодий янада ривожлантиришнинг аниқ механизмлари-

ни белгилаб берди. Фаолиятимизда Юртбошимизнинг маърузасида олдири сурилган вазифалар асосида иш юритишга, маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига оливлари қоронхалар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббус-масалалар олиб чиқилган. Халқ депутатлари маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига бу йўналишдаги ташаббус-масалаларни олиб чиқиш партияимиз дастурий мақсадлари рўйида муҳим аҳамият касб этади.

ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашида бўлиб ўтган мажлис 2015-2019 йилларда партия фаолиятининг асосий йўналишлари, сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан тайёрланган дастур муҳокамаси, партия ташкилотлари ва партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар корпуси учун амалга ошириш зарур бўлган вазифалар ижросига бағишланди. ЎЗМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий кен-

гаш депутатлари ва партия фаоллари қатнашган мазкур тадбирда давлатимиз раҳбарининг қўшма йиғилишидаги маърузаси мазмун-моҳияти мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳасига доир белгиланган вазифалар, партиянинг ўтган сайловолди иштироки, ЎЗМТДП ташкилотлари ҳамда фракцияси олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

— Қабул қилинаётган қонунлар сифатини ошириш ва партия Харақат дастурида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш кўп жиҳатдан вакиллик органларига сайланган депутатларнинг самарали фаолиятига боғлиқ, — деди мажлисда иштирок этган ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Жамила Ниёзова. — Ҳар бир депутатнинг партия ташкилотлари ва электоратимиз вакиллари билан қабул қилинаётган қонун лойиҳаларини кенг муҳокама қилиши сайловолди ваъдаларини бажаришда муҳим қадам бўлади. Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаларимизда дастурий мақсад-вазифаларимиздан келиб чиқиб, оливлар тадбиркорлик субъектлари, ҳунармандлик корхоналари фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу бир томондан мамлакатимизда хусусий секторни

ривожлантиришга, иккинчи томондан, партиямиз нуфузининг янада ошишига хизмат қилади.

Мажлисда ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари Левитан Абдумуратов мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш, навақирон авлоднинг сиёсий ва ҳуқуқий савиясини ошириш, шу билан бирга, ёшларда миллий қадрият ва урф-одатларимизга чуқур ҳурмат руҳини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу борада ЎЗМТДП ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади. Айни пайтда партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгашида 600 дан ортиқ бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Аъзоларининг умумий сони эса қарийб 15 минг нафарни ташкил этади. Олиб бориладиган тарғибот ва ташвиқот ишлари ўтган сайловда ўз самарасини кўрсатди. ЎЗМТДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 3, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига 18, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 80 нафар депутат сайланди. Бу партиянинг дастурида белгиланган мақсад-вазифалар ижросида муҳим аҳамият касб этади.

Байрам МУННАЗАРОВ,
ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия кўмитаси девони бош мутахассиси:

— Партия тарафдорлари са-

фининг кенгайишида ўтказилаётган тадбирларнинг алоҳида ўрни бор. Жумладан, “Донилик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони”, “Миллийликка йўғрилган туйғулар”, “Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида” қўриқ-танловлари, “Озод юртининг обод гўшаси” ёшлар акцияси, “Мустақиллик — бахт ва фаровонлигимиз асоси”, “Хотин-кизларга муносабат — жамиятимизнинг маънавий-ижтимоий етуқлигининг ўлچовидир” мавзусида хотин-кизлар форуми, “Глобаллашув жараёнида” “оммавий маданият”нинг ёшлар онгига салбий таъсири” лойиҳалари навақирон авлод вакилларида ватанпарварлик туйғуларини ривожлантирмоқда, билим ва кўникмаларини мустаҳкамламоқда. Тадбирларда қорақалпоқ ёшларининг фаол иштироки уларнинг партия фаолиятига бўлган қизиқишларини янада ошираётди.

ЎЗМТДПнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган иш дастури ижроси ҳамда Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳиятини партия ходимлари ва аъзолари янада кенгрок тушуниришга бағишланган мажлислар Хоразм ва Жиззах вилояти худудий партия ташкилотларида ҳам бўлиб ўтди.

Ҳасан САЛОМОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Гўзаллик, фаоллик ва билимдонлик байрами

“Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши “Аёллар қаноти” мамлакатимиз хотин-қизлари орасидан истеъдод эгаларини кашф этиш, сиёсий етакчиларни излаб топиб, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш мақсадида “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловини мунтазам ўтказиб келмоқда. Шу қўнларда партия лойиҳасининг шаҳар ва туман босқичлари бўлиб ўтмоқда.

ЎзМТДП Чуст туман кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан ўтказилган кўрик-танлов билимдонлик, гўзаллик ва фаоллик байрамига айланди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш борасида кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилди. Бунинг натижасини бугун барча соҳада аёлларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазаси мустақилликнинг илк йилларида қўллаб-қувватлаш, фойдод, юксак салоҳиятни, изланувчан хотин-қизларнинг кашф этишга қаратилган “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловини мунтазам ўтказиб келмоқда. Шу қўнларда партия лойиҳасининг шаҳар ва туман босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Кўрик-танловда ЎзМТДП Чуст туман кенгашининг 7 нафар фаол аъзоси “Ўзини таъинлаш муҳороти”, “Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий саводхонлик беллашуви” ва “Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини тушуниш” шартлари бўйича билим ва салоҳиятини синовдан ўтказишди. Партия фаоли, туман тиббиёт бirlашмаси шовилин тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими ҳамшираси Назира Набиева кўрик-танловнинг Чуст туман босқичи ғолиби деб топилди, вилоят босқичига йўлланма олди. “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танлови Наманган вилоятининг барча туман ва шаҳарларида юқори савияда ўтказилмоқда.

ЎзМТДП ёшлари

Таъсирчан тадбирлар

ёшларни фаолликка ундайди

Ёшлар фаоллигини ошириш, уларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг мазмун-муҳитини янада кенгроқ тушуништириш — ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси “Ёшлар қаноти”нинг асосий вазифаларидан саналади. Бу улар томонидан ўтказилаётган тадбирларда ҳам ўз ифодасини топтоқда.

Саломат АЯПОВ, “Ёшлар қаноти” қошидаги “Ёш сиёсий билимдонлар клуби” аъзоси: — 2013 йилда клубимизнинг “Жайхун” жамоаси “Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар — ёшлар нигоҳида” кўрик-танловининг мамлакат босқичида 1-ўринни қўлга киритди. Бу каби кўрик-танловлар ёшларимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, сиёсий-ҳуқуқий билимларининг ошишига замин яратмоқда. “Ёшлар қаноти” ўтказётган тадбирлар навақирон авлод вакиллари ижтимоий-сиёсий фаоллигини, етакчилик ва ташаббускорлик муҳоратини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилаётди. Бундан ташқари, бундай тадбирлар ёшларда соғлом фикрнинг шаклланиши, дунёқараши кенгайиши ҳамда ватанпарварлик туйғусининг юксалишида муҳим аҳамиятга эга.

Муҳайё РАХИМБОВЕВА, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети 3-босқич талабаси, “Ёшлар қаноти” фаоли: — Гўлбашлаш жараёнида ҳар бир халқ ўзлигини, миллий ва маданий қадриятларини сақлаб қолишга энг муҳим вазифалардан бири сифатида қарайди. Мамлакатимизда ҳам миллий аъёна, урф-одатларимиз ҳамда қадриятларимизни асраш, уни ёшлар қал-

Назира НАБИЕВА, “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” Республика кўрик-танловининг Чуст туман босқичи ғолиби:

— Ўшбу танлов хотин-қизларнинг етакчилик фаилатларини аниқлаш, истеъдод эгаларини кашф қилиш, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий билимларини ошириш, маънавий салоҳиятини янада юксалтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу эса партиянинг хотин-қизлар ва ёшларга қаратаётган эътиборидан аққол далолат беради.

Маънавий етук, сиёсий фаол, ташаббускор хотин-қизлар жамият равнақида муҳим ўрин тутати. Оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг ижросини таъминлаш, аёлларнинг мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фойдод, юксак салоҳиятни, изланувчан хотин-қизларнинг кашф этишга қаратилган “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловини мунтазам ўтказиб келмоқда. Шу қўнларда партия лойиҳасининг шаҳар ва туман босқичлари бўлиб ўтмоқда.

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” кўрик-танловининг туман босқичларини ўтказмоқда. Танлов низомига кўра, партия аъзоси бўлган хотин-қизлар уч шарт бўйича ўзаро беллашди. Кўрик-танловнинг Арнасой, Пахтакор, Зарбдор, Зафаробод, Форш, Мирзақул туман босқичлари ташаббускор ва изланувчан хотин-қизларнинг қизгин беллашуви остида ўтди. Хусусан, кўрик-танловнинг Дуслук туман босқичи тумандаги 3-болалар мусика ва санъат мактабида бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий саводхонлигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда партиянинг маъруз лойиҳаси ўзига ҳос ўрин тутатиётганини таъкидлашди. Унда ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифалари хайрихоҳлари бўлган 4 нафар иштирокчи белгиланган шартлар юзасидан маҳорат ва салоҳиятини намойиш этди. Ҳар бир шарт иштирокчиларнинг қизгин кураши, бахс-мунозаралари остида кечди. Якуний натижаларга кўра, тумандаги 14-мактаб ўқитувчиси, ЎзМТДП фаоли Матлуба Шерова ғолиб деб топилди.

Шафоат МУСАЕВА, ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони етакчи мутахассиси:

— Бугун рўзгор тебратишдан тортиб, давлат ва жамият қурилиши, илм-фан, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маданият ва спорт соҳалари ривожини хотин-қизлар иштирокида тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг сиёсий соҳадаги фаоллиги сиёсий партиялар фаолиятида ҳам бўй кўрсатмоқда. Мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳуқуқий, сиёсий маданиятини юксалтириш, улар орасидан истеъдодлиларини танлаб олиш, ҳар соҳада аёлларнинг фаоллигини ошириш мақсадида ўтказиб келинаётган маъруз кўрик-танловнинг иштирокчилари сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани ҳам фикримиз далилидир.

Шоҳида МИРЗАЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

даврасида мавзуларидаги тадбирлари келажақ эгалари дунёқарашининг янада кенгайишига хизмат қилмоқда. Барча тадбирда парламент ва Президент сайловларининг жамият ҳаётидаги ўрни, миллий сайлов қонунчилигимизга қиртилган ўзгаришлар, сиёсий партияларнинг аҳоли ва электрат манфаатлари йўлидаги фаолияти, юртимизда кечаётган бунёдкорлик ишлари, таълим, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар, ёшларга яратиб берилган имкониятлар хусусида фикрлашилди. Келтирилган далиллар бундан 20-25 йиллар олдинги ҳолат билан таққосланиб, қизгин муҳокама этилди. Бир сўз билан айтганда, “Ёшлар қаноти” ўтказган бундай тадбирлар қорақалпоқ ёшларининг сиёсий билим ва қўнмақларини мустаҳкамламоқда.

бига синдириш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларини амалга қиритилгани соҳага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганидан ёрқин далолат беради. ЎзМТДП Нукус шаҳар кенгаши “Ёшлар қаноти”нинг Хўжайли туманида жойлашган Миздахон археологик мажмуасида ташкил этган аққияси мамлакатимизда тарихий қадимжоларимизни асраб-авайлаш йўналишидаги ишларнинг узвий давомидир. Аққиядан мақсад — ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар қалбига меҳр-муруват, ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришдан иборат. “Юртим тарихини ўрганамак” шiori остида бўлиб ўтган “Тарихдан садо берувчи обод макон” номли ўшбу аққияда Миздахон археологик мажмуаси ҳақида қизқарли ва қимматли маълумотларга эга бўлди. Мазкур аққия иштирокчиларнинг тарихий обидаларни қадрлаш, уларни келгуси авлод вакилларига ўз ҳолича етказиш ҳар биримизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиз эканини янада тeранoқ ҳис этишига имкон берди.

Ҳасан САЛОМОВ, “Milliy tiklanish” мухбири



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган сурат

Ёшлар билан обод гўшалар

партия акцияси тарихий ёдгорлик мажмуаларига ўзгача файз киритди

Истиқлол йилларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан нафақат манзиллар, балки қўнғиллар ҳам обод бўлмоқда. Ҳар бир ҳудуд қиёфаси, халқимизнинг онг-тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. Президентимиз раҳнамолигида аждодларимиз манзу қўнм топган гўшалар — Абдуллоҳқ Ғаждуновий, Имом ал Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳлари обод қилинди. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент сингари азим шаҳарларимизнинг юбилей тўйлари нишонланди. Булар замирида, албатта, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, хотиржамлик, меҳр-оқибат, бунёдкорлик муҳити мужассам.

Юртимиз қадамжоларига эътибор Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан ўтказилган “Юртим тарихини ўрганамак” шiori остидаги “Тарихдан садо берувчи обод гўшалар” ёшлар акцияси иштирокчиларининг ҳам диққат марказида бўлди. “Шайх Хованди Тоҳур” тарихий мажмуасида бўлиб ўтган мазкур акцияда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва фракцияси аъзолари, партия Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси девони, партия фаоллари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Шайх Хованди Тоҳур халқимиз маънавиятида ўз ўрнига эга бўлган буюк сий-

молардан бири, — деди меъморий ёдгорлик масъул ходими Отамурод Турсунов. — Унинг илмий мероси ва рисоаларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ўзлигимизни англаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга кўмаклашди. Давлатимиз томонидан Шайхнинг мангу қўнм топган жой обод қилиниши, азим шаҳримиз туманларидан бири у кишининг номи билан аталиши Шайх Хованди Тоҳур номи янада абадийлаштирди. Бу халқимизнинг ўзлигига қайтгани ва аждодларимизга бўлган буюк эҳтиром намунаси.

Шайх Хованди Тоҳур — ислом олами-нинг машҳур сиймоларидан. Тасаввуф илми ривожига бекиёс ҳисса қўшган у зотнинг ижодидаги панднома маънавийлар комил инсон тарбиясида ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам унинг илмий ва адабий мероси нафақат юртимиз, балки дунё исломшуносларининг эътиборини қозongan.

Ақция доирасида иштирокчилар меъморий ёдгорлик бўйлаб саёҳат уюштириб, ободонлаштириш ишларида фаол қатнашдилар.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг “Юртим тарихини ўрганамак” шiori остидаги тадбирлари партиянинг халқимиз маънавиятини тиклаш, ёшлар қалбига ота-боболаримиз илмий меросига чуқур ҳурмат туйғусини шакллантиришга хизмат қилаётди. Бундай тадбирлар ёшларнинг юртга садоқат ва ватанпарварлик руҳида улғайишида бекиёс аҳамиятга эга. Зотан, ўз тарихини яхши билган халқ буюк ишларга қодир. Партия ана шу мақсад-вазифаларни ўз фаолиятининг асосий мезони деб белгиланган унинг тарафдорлари ва хайрихоҳлари сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда.

Ойбек ҲАКИМОВ, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши “Ёшлар қаноти” фаоли:

— Бугунги тадбир тенгқурларим қатори менда ҳам катта таассурот қолдирди. Бугун биз ислом оламининг буюк сиймоларидан бири Шайх Хованди Тоҳур шаҳси, унинг маънавий мероси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдик. Шайхнинг комил инсон тарбияси ҳақидаги фикрлари бугун ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Унинг номи билан аталувчи тарихий мажмуанинг шарқона меъморчилик аъёналари асосида бунёд этилгани, пештоқларидаги нақшкор безаклар хунармандларимизнинг юксак маҳоратидан дарак беради. Бундай сиймолар ҳаётини ўрганиш маънавий билимимизни бойитади, буюк аждодларимиз ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтиради.

Халқимиз азалдан муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларни табаррук маскан сифатида обод қилиш ва саранжом-саришта сақлашга алоҳида эътибор қаратиб келди. Мамлакатимизда миллий қадриятларимизни тиклаш, аждодларимиз хотирасини улуғлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларни ободонлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан Навоий шаҳридаги буюк шоир номи билан аталувчи мажмуада ўтказилган бу йилги акция ҳам ҳақиқий байрамга айланди. Тадбирда ЎзМТДП вилоят ва шаҳар кенгаши фаоллари, партия ҳузуридаги “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби аъзолари, “Ёшлар қаноти” етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир аввалида ёшларга мустақиллик туҳфаси, Алишер Навоий номи билан аталувчи вилоят ҳудудидаги тарихий обидалар ҳақида маълумот берилди. Шундан сўнг ёшлар иштирокида мажмуа ҳовлисида ҳашар уюштирилди: дарахтлар ости юмшатилиб, уларга шакл берилди, гул ва мевали дарахт қўчатлари экилди.

— Мазкур акция доирасида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари нафақат мажмуанинг кўркемчилигини таъминлашга, балки партияимиз сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, хусусан, ёшларимизга маданий меросимизни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш бурчимиз эканлигини яна бир қарра англашга хизмат қилади, — дейди партия Навоий вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси Отабек Мўминов.

Улуғ мутафаккир, ғазал мулкининг султони, ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталувчи мажмуада ўтказилган бу йилги ёшлар акциясини вилоятда амалга оширилаётган кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг узвий давоми деб аташ мумкин. Партия фаолларидан иборат бир гуруҳ ёшлар шу куни бу каби хайрли ва савобли ишда фаол қатнашди. Улар нафақат мазкур мажмуа, балки унга ёндаш кўча ва хиёбон, ариқ ва иншоотлар атрофини тозалаш ва ободонлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшди.

Рухона ХУДОЁРОВА, ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия кўмитаси етакчи мутахассиси, Ўралой ТУРДИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Бошлангич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Маҳаллада музей ташкил этилади

Партия ғоя ва мақсадларининг электрат вакиллари етиб бориши ва улар манфаатларининг ҳимоя қилиниши кўп жиҳатдан қўн бўғинларнинг самарали ишлашига боғлиқ. Чунки бошлангич партия ташкилотлари аҳоли орасида бўлиб, партияимиз тарафдорларининг ўй-фикрлари, ҳоқиқат-истақларини тeранoқ англайди, улар билан ҳамқадам, ҳамнафас. Шунинг учун ҳам қўн бўғин аъзолари илгари сурган ташаббус-масалалар ҳаётини, аниқ ва долзарб аҳамиятга эга.

ЎзМТДП Вобкент туман кенгаши таркибидаги “Чангарон” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган бошлангич партия ташкилоти фаолияти билан таънишиб, бунга яна бир бор амин бўлиш мумкин. 55 нафар аъзодан иборат ташкилот ўтган йили туманда музей ташкил этиш масаласини халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига олиб чиққан эди.

— Ёшларни миллий қадриятлар, урф-одат ва аъёналар руҳида тарбиялашда музейларнинг алоҳида ўрни бор, — дейди бошлангич партия ташкилоти етакчиси Кимёхон Қурбонова. — Чунки эртаимиз эгалари бу масканга келиб ота-боболаримизнинг ҳаёт тарзи, уларнинг моддий ва маданий мероси ҳақида муайян тасаввурга эга бўладилар. Ватанимизнинг шонли ўтмиши ҳақидаги билим-

лари юксалади. Бу ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган жисмонан соғлом ва маънан етук фарзандларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бошлангич партия ташкилотимизнинг туманимизда тарих музейини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассам.

Вобкентда қўн бўғин ташаббуси билан ташкил этиладиган музейдан юртимиз маданий ёдгорликлари, қадимий сопол идишлар, қўзалар, бешиқлар, хунармандчилик маҳсулотлари ўрин олиши режалаштирилган. Агар халқ депутатлари Вобкент туман Кенгаши қўн бўғинининг бу тақлиф-ташаббусини қўллаб-қувватласа, мамлакатимизда музейдан садо берувчи яна бир маскан ишга тушади. Бошлангич партия ташкило-

ти аъзолари “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида ҳам турли тадбирларни ташкил этишда фаоллик кўрсатмоқда. Жумладан, ободонлаштириш ойлиги доирасида ташкил этилган хайрия ҳашарида ҳам қўн ташкилот аъзолари 8-умумтаълим мактаби ҳудуди ҳамда маҳалла йўллари бўйлаб 150 тул мевали, 50 тул манзарали дарахт ва гул қўчати ўтказиб, умумхалқ ишига беминнат ҳисса қўшдилар. Қўн бўғинда партия Дастуридан келиб чиқиб ёшлар ўртасида миллий спорт ўйинларини тарғиб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Арқон тортиш, “Оқ теракми, кўк терак” каби миллий ўйинлар шулар жумласидандир. Ҳудуддаги мактабларда ўшбу ўйинлар асосида мусобақалар ташкил этилмоқда. Ўтказилаётган “Миллий қадриятлар — ўзлигимиз таянчи”, “Спорт — саломатлик гарови”, “Маҳалламиз — фахримиз”, “Соғлом она — соғлом бола”, “Юксак маънавиятли ёшлар — келажагимиз” каби мавзулардаги тадбир, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган. Туман кенгаши ўтказиб келаётган “Ўзбекистондаги иқтисо-

дий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида” ҳамда “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловларида ҳам ташкилот аъзолари фаол иштирок этмоқда.

Маҳаллий вакиллик органларига ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг ташаббус-масалаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқишда депутатлар ва қўн бўғин ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу ҳамкорлик натижаси ўлароқ, халқ депутатлари Вобкент туман Кенгаши сессиясида “Чангарон” маҳалла фуқаролар йиғинидаги II жаҳон урушида ҳалок бўлган қишлоқдошлар хотирасига бағишлаб ўрнатилган ёдгорликларни қайта таъмирлаш хусусида қарор қабул қилинди. Мазкур қарор қишлоқ аҳолисини беҳад мамнун этди. Бунинг учун қишлоқ ахли Кимёхон Қурбонова етакчилиги қилаётган бошлангич партия ташкилоти ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг халқ депутатлари туман кенгашидаги партия гуруҳидан миннатдор.

Маннон ОТАБОЙ “Milliy tiklanish” мухбири



“ТРАСТБАНК” хусусий акциядорлик биржа банки жамоаси

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини, нуроний отахону онахонларни

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

билан чин қалбдан қутлайди.

**ЮРТИМИЗ ТИНЧ,
ОСМОНИМИЗ
МУСАФФО БЎЛСИН!**




“Уз-Тонг Хонг Ко”

қўшма корхонаси жамоаси

Барча юртдошларимизни

**9 май – Хотира ва
қадрлаш куни
билан самимий
табриклайди.**

**Ўзаро меҳр-оқибат,
яратувчанлик шижоати ҳеч
биримизни асло тарк этмасин!**



Огоҳлик

Ёнғин битта бўлса ҳам кўп

Маълумки, ёнғин инсонлар ҳаётига жиддий хавф солиши билан бирга мамлакат иқтисодиётига ҳам катта зарар келтиради. Бу, айрим фуқаролардаги бепарволик, масъулиятсизлик ҳамда хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик оқибатида юз бериши мумкин. Мана шундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги тадбирлари мунтазам амалга оширилади.

Жорий йилнинг охиригача уч ойида Зангиота туман ҳудудида жойлашган саноат корхоналарида, халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида содир бўлган ёнғинлар таҳлили уларнинг аксарияти носоз электр ускуналари ва очик оловдан фойдаланишда эҳтиётсизликка йўл қўйиш оқибатида юзага келаётганини кўрсатмоқда.

Бу жараёнда фуқаролар йиғинларининг ҳам ўрни бекиёс. Маҳалла фаоллари аҳоли яшаш жойларида ёнғинларнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишлари олиб боришлари, маҳаллалардаги сув хавзаларига эътибор қаратишлари, айрим жойларда хонадонларни бир-бирига туташтириб қуриш, йўлларни ўзбошимчилик билан тўсиб қўйиш каби ҳолатларнинг олдини олишлари зарур бўлади. Чунки бундай ҳолатлар содир бўлган ёнғинларни

ўчиришда катта тўсиқ бўлаётир. Зангиота тумани Туркистон ҚФЙ “Шодлик” маҳалласидаги хонадонлардан бирида содир бўлган ёнғин электр симларида қисқа туташув оқибатида юзага келган, уйнинг томи ва шифти ёниб кетган. Уй эгаси катта миқдорда моддий зарар кўрган. Бундай ҳолатлар, афсуски, тез-тез учраб турибди.

Халқимизда “Ўт балосидан асрасин”, деган нақл бор. Мабоодо, ёнғин содир бўлса, дарҳол ёнғин хавфсизлиги хизматига — 3-01 ва 7-01 телефон рақамлари орқали кўнгирок қилиш лозим. Ёнғинни муассасаларда мавжуд бўлган бирламчи ўт ўчириш воситалари ёрдамида бартараф этишга кўмаклашиш лозим. Хонадонларда газ плиталари ва асбобларидан фойдаланишда резина шлангларини ишлатмаган маъқул. Ҳар биримиз уйимиздан чиқаётганимизда газ ва электр ускуналари ўчиришни унутмаслигимиз зарур. Ёш болаларни уйда ёлғиз қолдириш, уларнинг гугурт ўйнашига йўл қўйиш ёнғин хавфини пайдо қилади.

Бу борада, энг аввало, кенг жамоатчилик диққат-эътиборни, доимий ҳушёрликни кўчатириш лозим. Зеро, юртимиз ва халқимиз бойлигини, айниқса, инсон ҳаётини асраш барчамизнинг бурчимиздир.

**Хусниддин Йўлдошев,
Зангиота тумани
ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими
инспектори**

Обуна — 2015

Миллий матбуот марказида “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси босма оммавий ахборот воситаларини тарқатишни янада ривожлантириш, обуна нархларини пасайтириш борасида олиб борилаётган ишлар ва нашрларнинг обуначиларга белгиланган муддатда етказиб бериш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Даврий босма нашрлар

аҳолига янада қулай ва замонавий
усулда тарқатилмоқда

Бу жараёнда “Матбуот тарқатувчи” компанияси томонидан босма нашрларни тарқатиш тизимини янада такомиллаштириш, обуна каталогига киритилган нашрларнинг нархини пасайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мавжуд “Матбуот” дўконларининг 716 таси жорий ва 181 таси капитал таъмирланди. Маркетинг тадқиқотларга асосан аҳоли гавжум жойларга 146 матбуот дўкони ўрнатилди, компания шохобчаларидаги терминаллар сони 314 тага кўпайтирилди.

Хизматларнинг тобора ривож топиб бораётганлигини www.akmt.uz веб-сайтидан фойдаланган ҳолда даврий нашрларга интернет орқали обуна қабул қилинаётганидан ҳам билиш мумкин. Ушбу сайт барча таҳририятга обуна уюштиришдаги тезкор маркетинг натижалари билан мунтазам танишиш жараёнини бевосита он-лайн режимида кузатиб бориш имконини беради.

Шу билан бирга ВЭБ сўм, Интернет банкинг ва Click тўлов тизимлари орқали обуна уюштириш, ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш имконияти яратилган.

— Бугун компания тизимидаги корхоналарда хизматлар кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш мақсадида 2015-2019 йилларда вақтли нашрларни тарқатиш тармоғини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди, — дейди “Матбуот тарқатувчи” АК бош директори ўринбосари Махмуд Орипов. — Ҳозирда мазкур дастур бажарилиши юзасидан белгиланган тартибда иш олиб боришмоқда. Компания имкониятларидан келиб чиқиб, 2015 йил обуна каталоглари шакллантирилганда, баъзи нашрларга имтиёзлар қўлланилди. Ушбу лойиҳани янада кенгайтириш ниятда.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири**

“Buxoro Global Realtor” МЧЖ барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очик танлов савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилоят Жондор туман ҳокимининг 2014 йил 30 апрелдаги 01/665-сонли қарорига асосан Бухоро вилояти М.Таробий кўчаси Истироҳат боғи ҳудудидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи такрорий танлов савдоларига қўйилмоқда:

1. Атракцион қуриш учун 1 дона, 490,0 кв.м. ер участкасининг узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 309 867 сўм. Атракцион қуриш минимал қиймати — 70 000 000 сўм.

2. Атракцион қуриш учун 1 дона, 707,0 кв.м. ер участкасининг узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 447 093 сўм. Атракцион қуриш минимал қиймати — 160 000 000 сўм.

Талабгорлардан буюртманомалар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб ҳафтанинг иш кунлари соат 09-00 дан 16-00 гача (13-00 дан 14-00 гача тушлик) қабул қилинади ва 2015 йил 9 июнь куни соат 18.00 да тўхтатилади. Талабгорларнинг конвертлари Жондор туман ҳокимлиги биносидан 2015 йил 10 июнь куни соат 11.00 да очилади ва ўша куни мазкур ҳокимлик биносидан таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2015 йил 10 июндаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2015 йил 17, 24 июнь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади. Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жондор туман ҳокимлиги биносидан 2015 йил 17, 24 июнь кунлари соат 11.00 да очилади ва соат 14.00 да мазкур ҳокимлик биносидан танлов ғолиби аниқланади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртма билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига бўнак пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари;

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча арақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги бўнак пулини ДТ “Халқ банк” Бухоро филиали, х/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СИТР 302668377. х/р га тўлашлари шарт.

**Савдо ташкилотчисининг манзили: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 10-уй.
Тел: (+99893) 960-69-00, Факс (+99865 221 54 43)
www.bgr.gl.uz. Лицензия RL 0171.**

**Ҳурматли тадбиркорлар ва азиз ҳамюртлар!
«Global Savdo Fayz Buxaga» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказилаётган «Очиқ аукцион» савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдосига:

1. Бухоро маданият касб-хунар коллежининг 2015 йил 28 апрелдаги №01/365-сонли буюртма хатига асосан аукцион савдоларга чиқарилган, коллежга тегишли, 1997 йилда и/ч, давлат рақами 80/780 ЛАА бўлган «ТИСО» русумли автотранспорт воситаси. Б/б- 4 000 000 сўм.

2. Бухоро вилояти ХССВ Жондор туман Тиббиёт бирлашмасининг 2015 йил 29 апрелдаги №01/027-сонли буюртма хатига асосан аукцион савдоларга чиқарилган бирлашмага тегишли, 1997 йилда и/ч, давлат рақами 80/568 САА бўлган «Daewoo Damas» русумли автотранспорт воситаси. Б/б — 1 200 000 сўм.

3. «БУХОРОНЕФТАГАЗСУВКУРИЛИШ» масъулияти чекланган жамиятининг 2015 йил 1 майдаги №01-365-сонли буюртма хатига асосан аукцион савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари чиқарилган:

2007 йилда и/ч, давлат рақами 80/061 ОАА бўлган «ГАЗ 31105-101» русумли. Б/б — 9 200 000 сўм.

1998 йилда и/ч, давлат рақами 80/062 ОАА бўлган «NEXIA» русумли. Б/б — 12 700 000 сўм.

1997 йилда и/ч, давлат рақами 80/063 ОАА бўлган «ТИКО» русумли. Б/б — 3 500 000 сўм.

1979 йилда и/ч, давлат рақами 80/052 САА бўлган «КАВ 3685» русумли автобуси. Б/б- 2 500 000 сўм.

2007 йилда и/ч давлат рақами БГ 09-49 бўлган Т-25 русумли қишлоқ ҳўжалик техникаси. Б/б-1 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 11 июн куни соат 11:00 да савдо ташкилотчисининг савдолар залида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2015 йил 12 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 18 ва 25 июнь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган бўнак пули келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда бўнак пулини «Global Savdo Fayz Buxaga» МЧЖнинг ДТ Халқ банк Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт:

х/р: 20208000405017774001, МФО: 00116, ИНН: 302485226
Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

**«Global Savdo Fayz Buxaga» МЧЖ.
Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 10-уй.
Телефон: (0365) 221-54-43.**

Осмон пардасидаги туйнуклар

Атмосферанинг озон қатлами курраи заминимизда ҳаёт мавжудлигининг энг муҳим шартларидан биридир. Бироқ инсониятнинг илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш фаолияти натижасида сайёрамизни куёш радиациясидан ҳимоя қиладиган ушбу “табиий экран” шиддат билан юқалашиб бормоқда. Атмосферадаги мавжуд озон миқдори — уч миллиард тонна бўлиб, у ҳавонинг миллиондан уч фоизини ташкил этади. Бу қатлам Куёшнинг таъминан 90 фоиздан зиёд миқдордаги зарарли ультрабинафша нурларини ютади. Бунинг натижасида у Ердаги барча тирик организмларни асраб қолади.



Кейинги пайтларда совутиш мосламалари ҳам озон қатламига салбий таъсир кўрсатиши бора-бора турли қарашлар юзага келмоқда. Гап шундаки, ўтган асрнинг 30-йилларида токсик хусусиятга эга бўлмаган, алангаланмайдиган арзон газсимон бирикмалар синфига кирувчи хлорфторуглерод ёки фреонлардан совуткичлар тайёрлашда фойдаланила бошланди. Шу ўринда қайд этиш жоиз, фреон ёнғин учун хавфсиз, бошқа моддалар билан реакцияга киришмайди. Хлорфторуглеродлар эса хона ҳароратидан суёқ ҳолатдан газсимон ҳолатга ўтади, унинг ҳажми ортиши ҳисобига ҳарорат пасаяди. Бу жиҳат улардан турли совутиш ускуналари учун иссиқлик изоляцияларини тайёрлашда жуда қўл келади. Лекин қулай деб ҳисобланган фреонлар стратосферага етиб бориб, озон билан реакцияга киришадиган ва уни емиради. Натижада, озон қатлами сийраклашади. 1986 йилда йилига атмосферага чиқарилган фреон ташланмалари 1,1 миллион тоннани ташкил қилди.

нинг емирилиши билан боғлиқ турли экологик муаммолар пайдо бўлаётганидан барча хабардор. Биринчидан, озон қатлами табиий ва антропоген сабабларга кўра сийраклашиши мумкин. Масалан, вулкон натижасида таркибиди олтингугурт бирикмалари бўлган бошқа газлар ҳам отилиб чиқади ва улар ҳаводаги бошқа газлар билан аралашади. Мазкур жараён озон қатламининг емирувчи сульфатлар ҳосил бўлишига олиб келади. Мисол учун, 1991 йилда Пинатубо номли вулкон отилиши стратосферанинг пастки қатламларида тарқалган сульфатлар миқдорининг кўпайишига олиб келди. Натижада, озон йўқолишига сабаб бўлувчи фотохимёвий реакциялар тезлиги ошди. Озон миқдорининг камайиши аксарият ҳолларда антропоген таъсирларга ҳам боғлиқ. Хусусан, хлорфторуглерод, бромли метил, галон каби эритувчи бирикмаларнинг кундалик ва ҳужалик фаолиятида ишлатилиши озон қатламини сийраклаштиришни келтириб чиқаради. Айни пайтда мутахассислар авиация, космик ракеталар ҳам ана шундай салбий жараёнга сабаб бўлишини таъкидлашмоқда. Негаки, парвоз этаётган самолётдан азот оксиди ажралиб чиқиши стратосфера озонига салбий таъсир кўрсатади. Озоннинг сийраклашган концентрацияси Куёшнинг ультрабинафша нурларини яхши юта олмайдиган. Оқибатда, бу нурлар ергача етиб, ҳайвон ва ўсимликларда кечадиган табиий жараёнлар барқарорлигига жиддий хавф солади. Озон концентрациясининг пасайиши, ўз навбатида, “озон туйнуғи” пайдо бўлишига олиб келади.

ОЗОН ҚАТЛАМИ ВА УНИНГ ХАЛҚАРО МУҲОФАЗАСИ

1912 йилда француз физиклари Шарль Фабри ва Анри Буиссон озон қатламини стратосферанинг бир қисми эканини, у ердан ўн ва беш юз километр оралиғидаги баландликда жойлашганини маълум қилишди. Энг катта “озон туйнуқлари” Ернинг жанубий ва шимолий қутбларида қайд этилган. 1957 йилдан бошлаб мутахассислар шу “туйнуқ”ни Ҳалли қўлигида, Антарктика, Британия антарктик станциясида кузатдилар. 1985 йилда Жо Фарменон раҳбарлигидаги Британия олимлари Жанубий яримшар — Антарктидада минг километрдан ҳам катта бўлган “озон туйнуғи”ни аниқлашган. Туйнуқ ҳар йили август ойларида ҳосил бўлиб, декабрдан то январгача йўқолган. 1992 йилда Шимолий яримшарда — Арктикада ҳам нисбатан кичик бўлган “озон туйнуғи” аниқланди. Бу эса дунё жамоатчилигини мазкур масалага жиддий эътибор қаратишга мажбур этди. Натижада 1985 йилда дунёнинг 147 мамлакат иштирокида Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинди. Шундан сўнг энг хавфли хлорфтор-


углеродлар рўйхати тузилган яна бир муҳим ҳужжат — Монреаль протоколи имзоланди. Ушанда конвенцияга қўшилган давлатлар зиммасига ҳужжатда қайд этилган заҳарли моддаларни иложи борица қайтариш, 2000 йилга келиб эса бутунлай тўхтатиш мажбуриятини олишди. Ўн йиллардан бери сайёрамизнинг турли қисмида озон қатламини ўлчаш бўйича фаолият юритаётган Америка сунъий йўлдошлари мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш имконини бермоқда. Масалан, “ESA ERS-2” сунъий йўлдоши бир суткада Ерни бир неча марта айланиб ўтиб, атмосферадаги озон қатлами ҳақида маълумот олиш имкониятига эга.

ТАБИАТ МУСАФФОЛИГИГА БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛ

Қизиғи, сўнгги йилларда озон қатламини емирилиши одамлар деярли истиқомат қилмайдиган Антарктидада юзага келмоқда. Олимларнинг айтишича бунга бир неча сабаблар бор. Аввало, аэрозоллар ҳамда совутиш воситалари таъсирида юзага келадиган хлорфторуглеродлар Антарктидада ҳаво оқимлари воситасида ўтиб боради. Қитъада кунлар доимо совуқ бўлгани учун стратосфера булутлари бу ерда тез-тез ҳосил бўлади. Булутларда эса мурракб кимёвий реакциялар юзага келади. Бу жараёнда хлорфторуглеродлар таркибиди хлор бошқа моддалардан ажралиб чиқади ҳамда қуёшнинг совуқ кунлар даврида яширин ҳолатда сақланиб қолади. Мавсум ўзгариши билан ультрабинафша нурлари таъсирида хлор атомлари “озодликка” чиқиб озон қатламига таъсир кўрсата бошлайди.

Ўтган йили япониялик олимлар қитъа устида озон қатламининг емирилиши августнинг охири ҳамда сентябрь ойи бошларида ўзининг фаол фазасига ўтганини, унинг ҳажми 23,4 миллион квадрат километрга етганини аниқлашганди. Бу Антарктида майдонидан 1,7 баравар катта демакдир. Олимлар атмосферага чиқарилаётган фреон каби газларнинг камайиши сабаб, “озон туйнуғи” босқичма-босқич қисқариб бора-да, бироқ у 1980 йилги даражасига асримиз ўртала-ригача қайтмаслигини башорат қилишмоқда. Антарктидани тадқиқ этиш бўйича Британия жамайти аъзоси ҳамда бу ерда озон туйнуғини аниқлаган олимлардан бири Жонатан Шанкин қитъада юзага келган муаммони куйидагича баҳолайди: “Антарктидада юзага келадиган “озон туйнуғи” оқибатлари кўламини аниқлашнинг иложи йўқ. Бироқ шу нарса аёнки, у қитъа иқлимига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, океанда сув сатҳи кўтарилишига ҳам олиб келиши мумкин”.

Булутлар билан боғлиқ бундай



кўламдор реакциялар Арктикада кўп кузатилади. Олимлар бунга бу ерда ҳаво ҳарорати Антарктидадаги каби паст бўлмаслиги ҳамда совуқ кунлар нисбатан узоқ давом этмаслиги билан изоҳлашади. Бироқ сўнгги йилларда Арктикада ҳам ва-зият бирмунча ўзгарган. Ҳатто, шимолий қутб устида ҳам озон қатламини емирилиши кузатишмоқда.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда озон қатламини емирилишига сабаб бўлувчи омилларнинг барчасига барҳам берилганда ҳам, унинг бутунлай тикланиши учун камида бир аср вақт керак.

Бундан ҳулоса шуки, она табиат ва инсоният тақдири бир-бирига ўзаро чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш ҳамда экологик барқарорлиқни таъминлашга ҳисса қўшиш барчамизнинг инсонийлик бурчимиздир. Зеро, она табиат — бу қўриқхона.

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДАГИ МАСАЛА

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти-нинг бошқа мамлакатлари қаторида сайёрамизнинг озон қатламини сақлаб қолиш фаолиятига ўз ҳис-сасини қўшмоқда. Мамлакатимизда озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳужжатларда бел-гиланган зарур чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилаёт-тир. Хусусан, ушбу масаланинг дол-зарблигини инобатга олиб, 1993 йилда Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси ҳамда Монреаль протоколи ратифи-кация қилинган. “Табиатни муҳо-фаза қилиш тўғрисида”ги ва “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунларимизда озон қатламини муаммоси билан боғлиқ муносабатлар белгиланган. “Атмос-фера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 19-модда-сига кўра, озонни емирувчи махсу-лотларни эксплуатация ва таъмир қилувчи корхона, ташкилот ва му-ассасалар уларни рўйхатга олиш ҳамда озонга зарар етказмайдиган махсулотлар билан алмаштиришни таъминлашлари лозим. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасида айтили-

шича, “халқаро келишувларга му-вофиқ вазирликлар ва бошқарма-лар, корхоналар, муассасалар, таш-килотлар, яқка шахслар озон қат-ламига салбий таъсир кўрсатувчи кимёвий моддаларнинг ишлаб чи-қарилиши ва ишлатилишини қис-қартириши ҳамда келажақда бутун-лай тугатиши лозим”.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шарт-номалари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, 2006 йил 7 сентябрда Озон қатламини емирувчи модда-лар бўйича Монреаль протоколига Тузатмани (Монреаль, 1997 йил 17 сентябрь) ратификация қилиш тўғрисида” ва “Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Мон-реаль протоколига Тузатмани (Пе-кин, 1999 йил 3 декабрь) ратифи-кация қилиш тўғрисида”ги қонун-лар қабул қилинди.

Мазкур халқаро ҳужжатлар та-лаблари ижроси доирасида мам-лакатимизда тегишли миллий даст-тур ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш бўйича мустақам ҳуқуқий-меъёрий база яратилди. Жумла-дан, ишлаб чиқаришга замонавий “яшил” технологиялар жорий қилинмоқда, ушбу соҳада фаолият юритаётган мутахассислар мала-касини оширишга алоҳида эъти-бор қаратилмоқда. Бунинг сама-расида Ўзбекистон Монреаль про-токоли талабларини бажариш бўйича Марказий Осиёдаги етакчи давлатга айланди. Мамлакатимиз-да озонни емирувчи моддалардан босқичма-босқич воз кечишни таъ-минлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг қатор қарорлари қабул қилинди. 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бош бошқармасида озонни емирувчи моддаларни алмашти-ришни бошқариш бўйича офис (Озон офиси) ташкил этилиб, унга озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича Миллий дастурни ҳамда бошқа лойиҳаларни амалга ошириш бўй-ича фаолиятни мувофиқлаштириш вазифаси юкланди.

Рангин дунё

Буюк Британияда жойлашган Оксфорд университети дунёнинг энг нуфузли, кўна олийоҳларидан саналади. Университетда талабаларга XI асрдан бошлаб таҳсил берилди. Муассаса 38 коллеж ва коллеж мақомига эга бўлмаган усти ёпиқ 6 мажмуадан иборат. Червелл дарёси бўйида жойлашган “Магдалена” коллежи эса улар орасида замонавийлиги билан ажралиб туради.



КЎНА ВА НАВҚИРОН ОКСФОРД

Айни пайтда Оксфордда тах-сил олаётган 20 мингдан зиёд талабанинг 25 фоизи хориж-лик ёшлардир. Ёз ойларида тилга ихтисослашган коллеж ва мактапларнинг фаолият юри-тиши уларнинг сонини янада оширади.

Ўтган асрнинг йигирманчи йилларидан бошлаб хотин-киз-лар ҳам мазкур университетда тахсил олиш ҳуқуқига эга бўлди. 70-йилларга келиб йигит-кизлар-нинг ажратиб ўқитилишига бу-тунлай чек қўйилди. Айни пайтда

таълим муассасасида 4 мингдан зиёд ўқитувчи талабаларга тур-ли фанлардан сабоқ бермоқда. Улардан 70 нафари Кириллик жа-мияти аъзолари бўлса, 100 на-фарга яқини Британия академи-ясининг илмий ходимларидир. Оксфорд университети мам-лакатдаги энг йирик илмий-тад-қиқот марказлардан бири ҳам-дир. 100 кутубхона, музейлар ҳамда босмахонага эга ушбу масканда талабалар учун барча шароит яратилган, 300 дан зиёд тўғарақ фаолият юритади. Бун-дан ташқари, спортга ҳам катта эътибор қаратилади. Ўқув юри-ти-

Орзулар туташган олийгоҳ

да кўплаб фан, санъат арбобла-ри учун ҳар ой пул ажратади. Мазкур дастурда иштирок этиш учун талабалар инглиз тили бўй-ича ўтказиладиган имтиҳонлар (IELTS ёки TOEFL) дан муваффа-қиятли ўтишлари ҳамда IB ёки A-level дастурининг аттестация бал-ларини тақдим этишлари лозим. Қолаверса, олий ўқув юрти ўқитувчилари билан бўладиган юзма-юз мулоқотларда талаба ўзининг ижодий имкониятлари-ни, билим ҳамда қобилиятини тўлиқ намоён этиши керак.

АСОСЧИСИ ГАРВАРДМИ?..

1636 йил 8 сентябрда Янги Англияда (АҚШ)да асос солин-ган Кембриж университети бу-гунги кунга келиб унинг асосчи-си бўлмаган шахс — Жон Гар-вард номи билан юритилади. Бу ерда кўплаб англияликлар тах-сил олгани шарафига универси-тет дастлаб Кембриж деб ном-ланган эди. Қолаверса, Англия-да ҳам айнан шу номдаги уни-верситет фаолият юритади. Даст-аввал одатий коллеж сифатида фаолият юритган Гарвард бир неча йиллардан сўнг обрўли-шасхлар тахсил оладиган ўқув юртига айланди. Ана шундай шахслардан бири Жон Гарвард Англиянинг Кембриж универси-тетиди тахсил олиб, тақдир та-қозоси билан Янги Англияга кўчиб келганди. Бироқ Жон бу ерда бор-йўғи бир йил яшаб, сил касаллигига чалинади ва 31

ёшида вафот этади. Шу қисқа фурсатда у коллеж номига 400 фунт маблағни ҳамда шахсий ку-тубхонасидаги 400 китобни ва-сияят қилиб қолдиришга улгурди. Шу боис коллеж унинг шарафига Гарвард деб номланди. Дарвоқе, университет ҳовлисининг тўри-да унинг ҳайкали ўрнатилган бўлиб, унда “John Harvard, founder, 1638”, яъни “Жон Гар-вард асосчи, 1638” деган ёзув битилган.

Гарвардни давтавал бир ўқитувчидан тахсил олган 9 киши билан 1780 йилга келиб кол-леж университет макomini олди. Университет ҳудудида маъмурий бинолар, кутубхоналар, черков ҳамда стадион мавжуд. Кем-бриждан тахминан 5 чакирим узоқликда Гарвард тиббиёт мак-таби жойлашган бўлиб, у 9 гек-тар майдонни эгаллайди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бостондаги бог, тадқиқотлар кутубхонаси (тахми-нан 16 миллион китоб), Вашинг-тондаги музей, Петрсахмдаги “Harvard Forest” деб юритиладиг-ан ўрмон ҳам университетга тегишлидир.

Қолаверса, олий ўқув юрти-нинг Италия ҳамда Хитойда ўқув марказлари фаолият юритади. Гарвард илмий муваффақиятла-ри билан ҳам ном қозонган. Бу ерда тахсил олган, дарс берган ёки фаолият юритганларнинг 47 нафари Нобель мукофоти, 48 нафари эса Пулицар мукофоти



совриндорларидир. Бу ерда кўплаб таниқли давлат арбобла-ри, табдиркорлар, сиёсатчилар ҳамда санъат намояндалари тах-сил олишган. Улар қаторида сак-киз нафар АҚШ президенти, ху-сусан, Жон Кеннеди ҳамда Ба-рак Обама ҳам бор. Универси-тетга АҚШ фуқаролари қаторида чет элликлар ҳам тахсил олиш-лари мумкин. Университет дунё-да энг кўп пул жамғармасига (27 миллиард доллар) эга билим юртидир.

Кириш имтиҳонлари вақтида университетнинг қабул комис-сияси абитуриентнинг шахсий сифатлари (масалан иродаси, бошқарув қобилияти), ўқитувчи-лар тавсифомаси, турли тад-бирлардаги иштирокига алоҳи-да эътибор қаратади. Бир сўз билан айтганда, бўлажак тала-банинг ижтимоий фаоллигига баҳо берилади. Ва, энг асосий-си, абитуриентлар мактабни би-тирганларидан кейин топшира-диган SAT (Scholastic Assessment

Test — мактаб пайтида ўзлашти-рилган билимга баҳо бериш тес-ти) ҳамда ACT (American College Testing Assessment — Америка коллежининг баҳолаш синовини) тестларидан 650-800 баллни кўлга киритган бўлиши керак. Мазкур тестларни топширмаган абитуриентлар ҳужжатларини наинки Гарвардга, балки мамла-катнинг бирорта ҳам олий ўқув юртига топшира олмайдилар. Чунки, бу тест синовини орқали абитуриентнинг университетда тахсил олиш борасидаги қоби-лиятига баҳо берилади. Мазкур ўқув юртида тахсил олишни орзу қилувчилар ниҳоятда кўп, бироқ ҳар йили улардан тахминан олти фоизгигина синовлардан муваф-фақиятли ўта олади. Бундай на-муналар ўқув юртида ўқишга ҳам-манинг имконияти етмаслиги та-биий. Шу боис, талабаларнинг 70 фоизи университетдан ола-диган молиявий ёрдам, хусусан, стипендия, грантларни кўлга ки-ритиш эвазига тахсил олади.

Миллий интернет журналистикаси ва давр

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган даврда энг замонавий ва тезкор медиа-тармоқлар — рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио ҳаётимиздан тобора мустақам ўрин эгалламоқда. Ўзбекистон телеканалларининг дастурлари реал вақт режимида интернет орқали дунёнинг кўплаб давлатларига узатилмоқда. Интернет журналистикасига қизиқишнинг ўсиб бориши, унинг услубларини ҳар томонлама ва чуқур ўзлаштиришга бўлган уриниш бугун миллий матбуотнинг халқаро медиа-мақомада муносиб ўрин эгаллаши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўплаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилган республика анжуманида шу ҳақда сўз борди. Унда Олий Мақлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, медиа-соҳа экспертлари, марказий ва ҳудудий ОАВ вакиллари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда миллий интернет журналистикасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари, жумладан, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш борасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, онлайн ОАВни ривожлантириш, бу борадаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди. Медиа соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, интернет ОАВ сегменти учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, веб-нашрлардаги мақолалар сифатини яхшилаш ва хилма-хиллигини кўпайтириш, миллий интернет манбаларининг давлат органлари ахборот хизматлари билан яқин ҳамкорлигини ташкил этиш асосий вазифалар эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистонда онлайн-журналистикани ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари, унинг аънаваний ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги, миллий интернет сегментда ижтимоий блоглар ва тармоқларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Умид УЗОКОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Хунари бор хор бўлмас

Истиқлол йилларида бебаҳо қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъати ҳар томонлама юксалишга юз тутди. Энди хунаридан аниқ мақсадга эга тадбиркорга, халқ миллий санъатининг фидойисига айланди. Хунар аҳлининг эмин-эркин ишлаши, ўз иқтисодори ва салоҳиятини юзага чиқариши учун кенг имкониятлар яратилди. Айниқса, Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадий хунариданчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони соҳа турларини қайта тиклаш ҳамда уни дунё миқёсида танитишда муҳим дастурий амал бўлмоқда.

Юртимиз хунариданчилиги яратилган бу имкониятлардан оқилона фойдаланишмоқда. Буни ғиждувонлик таниқли кулол Абдулла Нарзуллаев фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Кулоллар сулоласининг таниқли вакили Ғиждувон кулолчилик мактаби ва аънавларини тиклаш, сақлаб қолиш, ривожлантириш ва тарғиб қилишга катта ҳисса қўшиб келаётир. Устахонага кирган киши хунариданчилигини қўли-қўлига тегмай, завқ билан ишлаётганига гувоҳ бўлади. Хунарга мана шундай меҳр ва ихлос билан ёндашиши натижасида Абдулла кулол сопол буюмлар сиртига ишлов беришнинг қадимий усулини тиклади.

— Ҳозир кулолчиликда, асосан, оқ кўрғошин қўшилган ишқордан фойдаланилади, — дей-

Лойдан яралаётган мўъжиза



ди Абдулла Нарзуллаев. — Ваҳоланки, илгари ота-боболаримиз бу хомашёни тайёрлашнинг табиий усуллари билан хабардор бўлишган. Биз шундан келиб чиқиб осори-атикаларни, асрлар ўтса-да, ёрқин товланиши сир-синаотини ўргандик. Кулолчилик буюмларини ясаганда ва уларни бўйашда тоғ ўсимликлари қайнатмасидан фойдаланамиз. Бундай бўёқлар узок муддат оҳорини ва тиниқлигини йўқотмайди. Туятовон, қирқбўғим, балиқкўз каби бутасимон ўсимликлар танасини куйдириб, унга оқтош қўшдик. Ҳосил бўлган моддани хумдонда минг даражадан оқори ҳароратда пиширдик. Кейин уни тегирмондан ўтказиб, сув қўшдик. Натижада, зарур қоришма юзага келди. Бундай ишқордан буюм сиртига ишлов берилганда, сопол буюмлар ранги янада ёрқинлашади, ўзгача жилоланади. Биз тиклаган бу усул кошнорликда ҳам жуда қўл келади. Қадимий обидаларни таъмирлашда фойдаланиладиган кошнлар юзасига шундай ишқор билан ишлов берилса, йиллар давомида оҳорини йўқотмайди.

Ғиждувонда Нарзуллаевлар оиласи сополчилик ҳақида ҳикоя қилувчи кўрғазма зали ташкил этган. Мазкур мажмуа келувчилар Марказий Осиё кулолчилик ва каштачилик санъати ҳақида кенг тасаввурга эга бўлишади. Музей халқаро сайёҳлик маршрутига киритилган бўлиб, чет эл ва маҳаллий аҳолига хизмат қилиб келмоқда. Шунингдек, ҳудудда қадимий хунариданчилик тури бўлган каштачилик аънавларини тиклаш бўйича кенг қўламли ишлар йўлга қўйилган бўлиб, Ғиждувон каштачилик маркази ташкил этилди. Бугун амалга оширилган тадбирлар натижасида хунариданчиликнинг ҳар иккала турига 100 нафардан ортқ шогирд ва иштиёқмандлар жалб қилинган.

— Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида миллий хунариданчиликни кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда, — дейди А.Нарзуллаев. — Хунариданчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга турли имтиёзлар берилмоқда. Қолаверса, "Хунаридан" уюшмаси ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бизга яқиндан қўмақ бериб келмоқда. Юртимиздаги ҳамда дунёнинг 50 дан ортқ давлатларида ўтказилган кўрғазмаларда янги иходиий ишларимиз билан қатнашиб фахрли ўринларни эгалладик. Давлатимиз томонидан кўрсатилган улкан эътибор ва ғамхўрлик туфайли мана шундай ютуқларга эришмоқдамиз.

Мутахассисларнинг фикрича, лойдан уй-рўзгор буюмлари яшаш илк бор неолит давридан бошланган. Кейинчалик турли маҳсулотлар, шу жумладан, ҳайкалча ва хумдонлар тайёрланган. Аммо лой яхши пишилмагани боис буюмлар иссиқ ёки совуққа бардош беролмаган. Бироқ вақт ўтиши билан лойга ишлов бериш жа-

Атиги 10-12 грамм келадиған бедана тухуми тўйимлилиги, бой биологик таркиби билан инсонни хайратга солади. У ҳатто ёш болаларда ҳам аллергия чақирмайди. Бедана тухуми анча тўйимли бўлишига қарамай, организмдаги холестерин миқдорини оширмайди, аксинча, унинг даражасини тушириш хусусиятига эга.

Бедана тухуми таркибида витамин А, В1, В2, РР (никотин кислотаси), турли микро унсурлар (кальций, калий, фосфор, темир, мис) ва аминокислоталар мавжуд. Ундаги витаминлар кўрсаткичи товуқ тухумидан 2,5-3 марта, микро-унсурлар миқдори эса 4-5 марта юқори. В1, В2 витаминлари асаб тизимига ихобий таъсир кўрсатса, А витамини иммунитетни мустаҳкамлайди ва касалликка чалинувчанликнинг олдини олади, никотин кислотаси қон айланишини яхшилайдиган, моддалар алмашинуви жараёнида фаол иштирок этади.

Мутахассисларнинг айтишича, 1-3 ёшли болалар бир кунда 2, 3-10 яшар болалар 3, 18 ёшгача бўлган ўсмирлар 4 та бедана тухумини истеъмол қилиши мумкин. Катталарга эса 5-6 дон тухум ейиш тавсия этилади.

Ҳар кун оч қоринга 2-6 дон тухуми ейиш ёшаришни хоҳловчилар учун аниқ муддао. Бедана тухумини юз ва соч терисига ҳам суриш мумкин. Уни хомлигича ичиб, устидан олиқ сув ичиш ҳам фойдали. Таъкидланишича, бу муолажани бошла-гач, икки ҳафтадан сўнг ўз териси ранги яхшиланади, ажинлар текисланади, бронхит астма, сил ва турли сурункали инфекциялар хуружи камаяди, иммун ва метаболик мувозанат тикланади. Қамқонлик, қон босими тушганида ёки кўтарилганида, кучли бош оғриғида, иммунитет сусайганда, ўткир респератор касалликларда, сурункали бронхит ва силга оид интоксикацияларда, ошқозон-ичак тракти касалликларида, айниқса, ошқозон яраси ва гастритда, панкреатитда, асаб тизими бўзулишида, қандли диабет ва бошқа касалликларда бедана тухуми фойдали.



БИЛАСИЗМИ?

→ Дунёдаги энг узун эскалатор Санкт-Петербург метрополитенида жойлашган бўлиб, унинг узунлиги 120 метрни ташкил этади.

→ Дунёдаги энг катта вулкон — "Асо" Киу-Шию оролида жойлашган. Вулкон кратерининг узунлиги 23, кенглиги 14 километр, чуқурлиги эса 500 метрдан иборат.

ТУРФА ОЛАМ Сунъий кўз гавҳари

Италиянинг тиббиёт инновацион технологиялари экспертлари 2027 йилда кўзи оғизларга кўриш имкониятини яратиб берувчи сунъий кўз гавҳари тайёрланишини маълум қилди.

Апеннин ярим ороли мутахассислари мазкур лойиҳани ЕҒЕ деб номлашди. Лойиҳа муаллифлари мазкур сунъий кўз гавҳари кўриш қобилияти пасайган ёки умуман йўқолган миллионлаб кўзи оғизга ёруғ дунёни кўриш имкониятини тақдим этишига ишонмоқда. Олимларнинг айтишича, мазкур сунъий кўз гавҳари марказий нерв тизими билан ўзаро алоқада бўлади. Бу эса табиий кўз гавҳари каби одамларга кўриш имкониятини яратади. Ишланма нафақат офтальмология, балки бутун бир тиббиёт соҳасида кескин бурилиш ясаши мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, бугунги замонавий тиббиёт бемалол сунъий кўз гавҳари тайёрлаш имконини беради. Чунки, бунинг учун барча илмий асослар ва кўлаб замонавий технологиялар мавжуд. Энди италиялик олимлар олдида 3-D биологик принтери дастури асосида кўз протезини тайёрлаш вазифаси турибди.



Куруқ минтақанинг ер ости қўллари

Олимларнинг Антарктидадаги тадқиқотлари янги кашфиётларга йўл очмоқда. Бу сафар АҚШ олимлари қитъанинг энг қуруқчил ҳудуди — Мак-Мердо водийсидан тирик организмлар ҳаёт кечирадиган сув ости қўллари топишди.



Мак-Мердо водийси қитъанинг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, бу ерда ёғингарчилик деярли кузатилмайдиган. Шамол тезлиги эса соатига 200 километр етади. Яқинда Теннесси университети олимлари Мак-Мердо водийси ер устки қатламини "SkyTEM" ускунаси воситасида тадқиқ этиш чоғида муз қатламлари остида бир-бирига тутшиб кетган бир неча қўллари топишди. Қўлда ҳаво ҳарорати цельсий шкаласи бўйича 10 даража иссиқ. Кислород ер ости сув омборларига музликларнинг ёриқлари орқали ўтиб боради. Шу боис олимлар бу ерда тирик организмларнинг ҳаёт кечирishiни инкор этишмаяпти. Фақат сув ости фаунаси ер юзасининг бошқа минтақаларидан фарқ қилиши мумкин.

Қитъанинг мазкур энг қуруқ ҳудудида олиб борилган бундан аввалги илмий тадқиқотлар бу ерда фақат микроб ҳамда бактериялар яшашини исботлаган эди.

Ш.ФАҒФОРОВ тайёрлади

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош ҳисобчиси Тойир Дехқоновга волидаи муҳтарамаси

Тўлкиной аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

2013 йил 27 июлда Пардаев Сафар Шомуротович номига Тошкент шаҳар ҳокимияти йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан берилган шаҳар йўловчи транспортда бепул юриш ҳуқуқини берувчи О'ЗР № 002569 рақамли гувоҳнома йўқолганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Реклама

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“АСАКА” банк

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

миллий валютада:

«ҚАДРИЯТ»

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

«БАҲОР»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

«ФАРОВОН ТУРМУШ»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади

«ТЕЖАМКОР»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади

хорижий валютада:

«ШОДИЁНА»

(АҚШ долларларида)

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

«МАДАД»

(АҚШ долларларида)

Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади

«СТАБИЛЬНЫЙ-1»

(ЕВРОда)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда 60 дан зиёд омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

“Асака” банк - сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

www.asakabank.com

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	257-44-10
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74
Асака филиали	374	233-21-99
Фарход филиали	374	226-96-63
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14
Марғилон филиали	373	237-62-23
Олтиариқ филиали	373	432-19-80
Қўқон филиали	373	542-61-01
Наманган вилоят филиали	369	225-44-03
Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Зарафшон филиали	436	572-40-14
Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Афросиёб филиали	366	221-75-40
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Сурхондарё вилоят филиали	376	224-00-16
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!